

**«МАЛАКАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ»
ФАНИДАН АМАЛИЙ
ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Мазкур услубий кўрсатма **5140906 – Касб таълими (Агроинженерия)** бакалавр таълим йўналиши талабаларига «Малакавий таълим методикаси» фанини ўқитиш учун тузилган бўлиб, ДТС асосида касб махорати ва касбий таълим усуллари фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилиб, унда асосан юқори савияда таълим бериш усуллари ва методикаси ҳамда дарс бериш жараёнида хар хил ўйинли усуллардан фойдаланиш **хақида тасаввурга эга бўлишга** қаратилган.

Талабалар услубий кўрсатма асосида фанни ўзлаштириши жараёнида талабалар методика, хар хил юқори савиядаги тестлар тузи шва усуллардан фойдаланишни **билиши**, ҳамда Фан юзасидан **қуникмаларни эгаллаш бўйича билимларни оладилар.**

Тузувчилар:

Доц. У.Ч.Эшқорae

Ўқит.М.МАбдумўминова

Тақризчилар:

«Мехнат» кафедраси мудир
Х.Дўсяров.

«Агроинженерия ва кимёвий
технология» кафедраси
Ўқитувчиси Н.Хамзаев

**Ўқув қўлланма Термиз Давлат Университети Илмий Кенгашида қўриб
чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.**

2008 йил «29» августдаги «1» сонли мажлис баённомаси.

Амалий машғулот № 1

Мавзу: Ўқув материални муаммоли баён этиш билан танишиш

Ишдан мақсад: Талабаларнинг таълимий ишларини фаоллаштириш, мустақиллигини ривожлантириш, ўқитишнинг энг самарали шакл ва методларидан унумли фойдаланиш куникмаларини эгаллашга ургатиш.

Назарий маълумотлар:

Укув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йуналиши—укувчиларнинг таълимий ишларини фаоллаштириш, мустакиллигини ривожлантириш, ўқитишнинг энг самарали шакл ва методларидан унумли фойдаланишдир. Бу шакллардан бири укув материални баён этишни муаммоли қилиб тузишдир. Бунда ўқувчи онгида муаммоли вазият ёки илмий изланишни эслатувчи вазифа шаклланади. Ўқувчининг узи саволга жавоб топиш орқали муаммони хал қилишга интилади. Одатда, у тугри жавобни уқитувчи ёрдамида топади. Аммо узи кидириб, излашга интилиши ва ечим муқобилларини топиши унда билиш фаоллигини, мустақил фикрлашни вужудга келтиради, унинг билиш фаолиятига ижодий тус беради, уқитишда тафаккур янги ҳаракат усулларини ва узлаштирилиши лозим бўлган янги билимларни „машқ этишларига“ хизмат қилади ва шунда укувчиларда руй берадиган психик ҳолатни келтириб чиқарадиган муайян вазиятлар ҳамда уларга мос вазифалар *муаммоли вазият ва вазифалар* деб аталади. Шундай вазиятни яратиш ва уша муаммони хал қилишда уқитувчининг тутган йули, усули *муаммоли баён қилиши* дейилади. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони хал қилиш асосида ташкил этилган укув жараёни **муаммоли ўқитишдир**.

Муаммоли вазифа ва вазиятлар қуйидаги ҳолларда вужудга келиши мумкин:

—муайян маълумотлар буйича ечимларни топиш учун мустақил изланишда (масалан, ишотлаш усуллари ечимининг муқобилини топишга интилиш, хулоса чиқариш, қондани таърифлаш);


—мавҳум мазмуннинг муайян тасаввурлар билан боғланиши асосида (масалан, берилган чизма ёки режага қараб буюмни кўз олдига келтириш);

—билимларни укувчиларнинг шахсий тажрибаси ва амалий ишлари билан боғлашда (масалан, тажрибалар утказиш);

- топқирлик юзасидан топшириқлардан, вазифалардан, муаммоли вазиятни уз ичига олган бошқа воситалардан фойдаланишда.

Мана шуларнинг ҳаммаси билиш ва кизикиш фаоллигини келтириб чиқаради. Укувчилар узларида ечимни топиш учун зарур билимлар борлигини тушунадилар ва бу муаммо-жавобнинг аниқ, муқобилини топишдан иборат бўлади.

Таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланиш орқали материални узлаштириши укувчи тафаккурининг натижаси бўлади. Аммо ўқитувчилар шуни эсда тутишлари керакки, укувчилар узларича ҳамма нарсани «кашф этиш»га ва урганиб олишга кодир эмаслар. Улар уқитувчи раҳбарлигида хулосалар чиқаради, қондаларни таърифлайди. Шу сабабли таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда ҳам ўқитувчининг тушунтириши уз адамиятини йўқотмайди. Шу аснода уқитиш методларининг шакли, мазмуни қуйидагича акс этади (1-жадвал).



1-жадвал. Ўқитиш методларининг таснифи.

Унда ўқитиш методлари икки гуруҳга: билимларни дастлабки ўрганиш методлари ва билимларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш методларига бўлинган. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик даражасига қараб, биринчи гуруҳаги методлар яна иккига бўлинади. Улар маълумотли-ривожлантирувчи, муаммоли-изланишли методлардир.

Анъанавий таълимда маълумотли-ривожлантирувчи методларнинг салмоғи анча катта. Бундай дарсда ўқувчига нисбатан ўқитувчи фаолроқ катнашади (маъруза, тушунтириш, ҳикоя ва сухбат).

Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш учун қўшимча репродуктив методдан фойдаланилади (ўқувчиларнинг материални қайта айтиб бериши, намуна бўйича машқлар бажариши, курсатма бўйича лаборатория ишларини амалга ошириши). Бу метод ўқув материални айтиб бериш ва эсда сақлашга, ижодий тафаккурнинг ривожланишига, мустақил билиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган бўлади.

1. Муаммоли вазият ва вазифалар деганда нимани тушунаси?
2. Ўқитиш методларини таснифланг?
3. Уқитиш методлари кандай гурухланади?
4. Репродуктив метод деганда нимани тушунаси?

Амалий машғулот № 2

Мавзу: Таълимнинг фаол уқитиш методлари билан танишиш

Ишдан мақсад: Талабаларга фикрлаш ва билиш фаолиятига ундовчи фаол уқитиш методларининг таснифи ва улардан фойдаланиш куникмаларини ургатиш.

Назарий маълумотлар

Фаол уқитиш методлари укув материални эгаллаш жараёнида укувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди (2-жадвал).

Фаол ўқитиш методидан куйидагича фойдаланилади:

а) уқитувчи укув материални кайта гапириб бериш ва эсда саклаш учун билимларни намойиш этмайди;

б) укув материали шундай баён килинадики, бунда укувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустакил билим ҳамда куникмаларни эгаллайди.

Фаол амалий ва фикрлаш фаолиятига интилиш. Бу методлардан дарснинг хар хил боскичларида: билимларни дастлабки урганишда, мустахкамлаш ва таком иллаштиришда, куникма ва малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Билимлар тизимини шакллантириш ёки куникма ва малакаларни эгаллашига караб, фаол уқитиш методлари таклидсиз ва таклидли булади.

Таклидли уқитиш методлари, касбий малака ва куникмаларни, касбий фаолиятни моделлаштиришга каратилган таълимни такозо этади. Уларни куллашда касбий фаолият, вазиятларига ва ана шу фаолиятнинг узига таклид килинади. Таклидли уқитиш методлари уйинли ва уйинсиз булади.

Фаол ўқитиш методи билимларни дастлабки урганишга йуналтирилган булиб, тафаккурни, билишга кизикиш ва кобилиятни, куникма ва малакаларни ривожлантиришга имкон яратади.

Лекин укув жараёнида факат фаол уқитиш методларидан фойдаланмаслик, балки у билан анъанавий уқитиш методлари (маъруза, тушунтириш, хикоя, сухбат ва хоказолар)дан ҳам фойдаланиш керак. Дарснинг муваффакиятли утиши учун уни ташкил этиш буйича уқитувчи фаолиятининг максadini аниклаш лозим.

Дарснинг максадлари куйидагилардан: таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш максадларидан иборат.

Таълимий максадга куйидагилар киради:

—янги тушунчаларни шакллантириш;

—янги конун, конуният, хусусият ва белгиларни узлаштиришни таъминлаш;

—янги харакат усулларини урганиш;

—билимлардаги етишмовчиликларни бартараф этиш;

—билимларни умумлаштириш ва тизимга солиш;

—малакаларни шакллантириш;

- маълум харакат усулларини мустахкамлаш;

- тушунчалар орасидаги боғланишларни аниклаш буйича укувчиларда бирор нарса туғрисида тушунчаларни шакллантириш;

—дунёқараш гојлари ва муаммоларини аниклаш;

—укувчиларда у ёки бу харакатни, воқеаларни бахолаш буйича билимларни шакллантириш;

—хулоса чикаришга тайёрлаш, узгартиришга эришиш.

Тарбиявий максад укувчиларда куйидаги муайян шахс сифатлари ва характерни таркиб топтиришдан иборатдир:

- дунёкарашни ва касбга кизикишни;
- уз-узини текшириш ва узаро ёрдамни;
- вокеликлар орасидаги боғланишларни аниклаш ва таҳлил қилиш куникмаларини;
- бир соҳадан иккинчи соҳага билимларни кучириш куникмалари;
- фанлараро боғланишларни амалга ошириш куникмаларини;
- нутқ маданиятини;
- ватанпарварликни;
- меҳнатга оғли муносабатни;
- оғли интизом ва яхши хулқни;
- таълим олишга ижобий муносабатни;
- эстетик қарашларни;
- иш урнини ташкил этиш ва уз фаолиятини текширишни;
- этикодни.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт ва замон билан узвий боғланса, у тарбиялаш хусусиятига эга бўлади.

Ривожлантириш мақсади — дарс жараёнида укувчиларнинг психологик сифатларини диққат, хотира, тафаккур ва билиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Психологик адабиётларни таҳлил қилиш укувчиларда тафаккурни, политехник, меҳнат, билиш (англаш) ва ақлий қуникмаларни, ирода ва мустақилликни ривожлантириш, уларни қелғуси дарсларга тайёрлаш зарурлигини курсатади.

Агар билимларни шакллантириш ва мақсадли тарбиялаш укувчиларнинг билиш қобилиятини такомиллаштира, буни ривожлантирувчи таълим деб тан олинади.

Назорат саволлари

1. Фаол уқитиш методларини таснифланг?
2. Дарснинг таълимий мақсади деганда нимани тушунаси?
3. Дарснинг тарбиявий мақсади укувчи шахсида нималарни шакллантиради?

Амалий машғулот №3

Мавзу: Амалий уқитиш методларини урганиш

Ишдан мақсад: Ўқув материални машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида узлаштиришнинг шакллари билан танишиш.

Назарий маълумотлар:

Амалий метод деганда ўқув материални машқлар, мустакил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида узлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, комплекс ишлари, вазифаларни бажаришда мустакилликни ривожлантиришга қаратилган ишлари, тренажёрларга оид машқлар; лаборатория-амалий ишларига эса технологик жараёни бошқариш машқлари қиради.

Машқлар — куникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни қўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; ишлаб чиқариш методикасига асосланиши, тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг ишлаш мустакиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик — машқларни бажаришдаги энг муҳим талабдир. Ўқувчилар машқнинг нима учун кераклигини аниқ тасаввур қилишлари ва мақсадга эришишга фаол интилишлари лозим. Урганиладиган меҳнат жараёнларининг илмий-техник асосларини бажариш йўллари, ишда учрайдиган хатоларни билиш ўқувчиларга урганилаётган ҳаракатларни узлаштириш имконини беради.

Онглилик, мақсадга мувофиқлик куникмалар шаклланишининг дастлабки пайтларида, айниқса, қатта аҳамиятга эга. Ўқувчилар машқ натижаларидан довлдираб қолмасликлари учун ўқитувчи, уста уларни қийинчиликлардан, қийинчиликларни енгиш йўлларида оғохгантиради. Машқлар муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг тегишли натижаларга эришишдаги интилишларини қўллаб-қувватлаши керак, машқларни тобора мураккаблаштириб бориш зарур.

Куникмаларни шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Куникма ҳосил қилишнинг муваффақияти қатор шартларга боғлиқ.:

Биринчи шарт. Шу уринда дастлаб, куникма нима? деган саволга жавоб бериш керак. Куникма—автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Демак, агар ўқувчи материални узлаштиришда унинг аҳамиятини тушунмаса, унда бундай ҳаракатлар шаклланиши қийин бўлади.

Иккинчи шарт — машқларнинг тизимли бўлиши. Одатда, куникма ҳосил қилишдаги қийинчиликларга ўқув машқлари тизимини ташкил этиш ва уларни ўтқизишдаги қамчиликлар сабаб бўлади.

Учинчи шарт — амалий ҳаракатларни онгли равишда бажариш. Ўқувчи ўз

харакатларини, иш операцияларининг изчиллигини яхши тушуниши зарур, уларни механик тарзда ва ёдлаб олишга йул куймаслик керак.

Туртинчи шарт — дастлабки амалий харакатлар ва операцияларга пухта тайёрланиш. Операциялар онгли равишда, режа асосида бажарилса, куникма тезроқ, ва муваффакиятлироқ шаклланади. Укувчи узининг дастлабки харакатларида хатога йул куймаслиги лозим, чунки уларни кайта урганишга тугри келмайди. Дастлабки харакатлардаги хато кейин такрорланиб, мустахкамланиб колиши мумкин ва уни тузатиш кийин булади, шу сабабли харакатларни бажараётганда операциялар тартибини овоз чикариб гапириб ёки чикармай такрорлаб туриш ғоят фойдалидир. Укитувчи шу харакатлар ва операцияларни диққат билан назорат килиб боради.

Бешинчи шарт — машкларни мустакил бажариш ва узини узи назорат килиш. Укитувчи укувчига бундай назорат усулларини ургатиши зарур.

Олтинчи шарт — бажарилган машклар, амалий ишларни тахлил килиш ва баҳолаш. Укув куникма ва малакаларининг ижобий хамда салбий жихатлари булади. Укувчилар типик хатоларга йул кядилар. Дарсларда яхши ишларни намойиш килиш, ижобий намуна асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Куникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя килинса, ўқитишнинг амалий методлари укув материаллини муваффакиятли узлаштиришга олиб келади.

Танланган куникма ва малакаларни мустахкамлаш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг асосий омиллари куйидагилардан иборат:

1. Куникма ва малакаларнинг онгли, тушунган холда мустахкам шаклланиши.
2. Уларни шакллантиришда узлаштирилган билимларга таянилиши.
3. Хатоларнинг олдини олиш, уларни уз вақтида тузатиш. Нотуғри иш усулларига йул куймаслик.
4. Укувчиларга ягона педагогик талаблар қўйиш.
5. Топширикларни секин-аста мураккаблаштириб (энг оддий иш харакатларидан мураккаб иш харакатларига утиб) бориш.
6. Машклар учун ажратилган вақтдан тугри фойдаланиш.
7. Малакалар тулик шакллангунича машкларни давом эттириш.
8. Укувчиларнинг эътиборлилиги.
9. Машкларнинг мунтазам равишда утказилиши.

Назорат саволлари

1. Амалий метод деганда нимани тушунасиз?

2. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга қандай талаблар қўйилади?
3. Қуникма ҳосил қилишнинг муваффақияти қандай шартларга боғлиқ?
4. Танланган қуникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг асосий омиллари нима?

Амалий машғулот №4

Мавзу: ДАРС ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Машғулотнинг мақсади: талабаларни дарс ва унинг моҳияти ҳамда дидактик мақсадлар бўйича дарснинг турлари билан таништириш.

Назарий маълумотлар

Дарс деганда уқитувчининг уқув гуруҳига (бригадага) уюшган, тайёргарлик даражаси бир хил, таркиби узгармас уқувчилар билан машғулот ўтказиши тушунилади.

Дарс таълимни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Ҳар бир дарс уқув жараёнининг бир қисми ҳамда билим, қуникма ва малакаларни эгаллашнинг бир бутун мантикий яқунланган босқичидир.

Ҳар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги; бу талаб дарснинг бутун уқув материаллини

ва унинг хар кайси кисмини тугри танлаш билан амалга ошади.

2. Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги; таълимнинг тарбиявий характери унинг объектив конунияти хисобланади. Шу билан бирга уқитувчи уқувчиларнинг касбий билимларини шакллантиришда хамма имкониятлардан фойдаланиши керак.

3. Дарснинг хар кандай боскичида таълимнинг энг керакли методларини танлаш; уқитиш методини тугри танлаш уқитувчи мехнатининг самарадорлигини ва уқувчиларнинг энг юкори фаоллигини таъминлайди, уқувчиларга чуқур ва пухта билимлар беришни, уларда билимларни амалга татбик этиш малакаларини шакллантиради.

4. Дарсда уқувчиларнинг жамоа ва якка тартибдаги ишини турри кушиб олиб бориш; уқитувчи дарс давомида бутун гурух билан ишлашдан ташкари, уқувчиларнинг якка тартибдаги топшириклар буйича мустакил ишлашини хам кенг жорий килиши лозим.

5. Дарсни самарали ташкил этиш; бу талаб дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланишни, уқитувчи ва уқувчиларнинг дарсга яхши тайёрланишини, машгулотнинг янги техник жихозлар билан таъминланишини, унинг барча элементлари, структураси пухта тузилишини-ни такозо этади.

Дидактик максадлар буйича дарснинг куйидаги турлари мавжуд:

1. Янги билимларни урганиш дарси. Бундай дарсларда мавзу ва кузланган максад айтилиб, янги уқув материали баён этилади ва уқувчиларнинг мустакил ишлаши уюштирилади, уйга топшириклар берилади. Дарснинг бу хили уқув материални узлаштириш осон холларда утказилади.

2. Умумий ёки аралаш дарс. Бундай дарсларда хар хил дидактик масалалар хал этилади — уй топширикларини ва уқувчиларнинг билимларини текшириш, янги материални баён килиш ва бошкалар амалга оширилади. Улар махсус фанларни урганишда энг куп таркалган. Аралаш дарс уқув жараёнининг бир-бирига энг якин звеноларини уз ичига олади, бу эса уқувчилар билимларни пухта ва онгли узлаштиришини таъминлаш учун мухимдир.

3. Билимларни мустахкамлаш дарси. Бундай дарсларда олдин урганган материаллар юзасидан уқувчилар билан сухбатлар утказилади, кинофильмлар курилади, билимларни эсга солинади, фактлар ва тушун-чаларни уқувчиларнинг хотирасида мустахкамланади. Натижада билимлар анча пухталашади.

4. Синаш-текшириш дарси. Бундай дарсларда мавзу, булим юзасидан орзаки савол-жавоблар, тест ёрдамида, ёзма ёки график усулда текшириш ишлари утказилади. Улардан кузланадиган максад — хар бир уқувчининг тайёргарлик даражасини асосли бахолаш учун керакли маълумотлар олиш, яъни билимлари канчалик онгли ва пухталигини аниклашдан иборат.

5. Муаммоли дарс. Бу дарслардан максад уқувчилар куйилган муаммоларни еча олиш ёки еча олмаслигини аниклашдир. Бундай дарслар уқувчилар махсус фанлардан маълум билим, куникма ва малакага эга булганларидан кейин утказилади.

Дарснинг ана шу асосий турлари структураси куйида келтирилади.

I. Янги билимларни урганиш дарси: 1. Ташкилий кисм. 2. Янги йув материални баён килиш ва мустахкамлаш. 3. Уйга топширик, бериш. 4. Дарсни якунлаш.

II. Умумий ёки аралаш дарс: 1. Ташкилий кисм. 2. Уйга топширикни текшириш. 3. Уқувчилар билимини огзаки (якка тартибда, бир йула ёки аралаш холда) текшириш. 4. Янги уқув материални баён килиш. 5. Янги уқув материални мустахкамлаш. 6. Уйга топширик бериш. 7. Дарсни якунлаш.

III. Билимларни мустахкамлаш дарси: 1. Ташкилий кисм. 2. Уй топширигини текшириш. 3. Уқувчилардан сураш, уқув материални мустахкамлаш. 4. Уйга топширик. бериш. 5. Дарсни якунлаш.

IV. Синаш-текшириш дарси: 1. Ташкилий кисм. 2. Уқитувчининг

топширикни тушунтириши. 3. Укувчиларнинг саволларига жавоб бериш. 4. Укувчиларнинг топширикларни бажариши. 5. Бажарилган ишларни уқитувчига топшириш. 6. Уйга топширик бериш. 7. Дарсни якунлаш.

V. Муаммоли дарс. 1. Ташкилий қисм. 2. Муаммони баён қилиш. 3. Муаммони ҳал қилиш йулларини курсатиш ва ҳал этиш. 4. Натижаларни муҳокама қилиш. 5. Уқитувчининг изоҳлаши ва умумлаштириши. 6. Уйга топширик бериш. 7. Дарсни якунлаш.

Назорат саволлари

1. Дарс деганда нимани тушунасиз?
2. Дарсга қандай талаблар қўйилади?
3. Дарснинг қандай турлари мавжуд?

Амалий машғулот №5

Мавзу: Ихтисослик фанларини ўқитишда дидактик тамойилларнинг ўзига хос жиҳатлари

Ишдан мақсад: укувчиларга машина ва қуролларнинг тузилиши, ишлаш принципи, фан ва техниканинг ютуқлари, олимлар, муҳандис ва ишчиларнинг хизматлари ҳақидаги маълумотларни бериш орқали дидактик тамойилларнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш

Назарий маълумотлар

Дидактик принциплар: таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий характери, мунтазамлиги ва изчиллиги; қургазмалилиги, мазмунининг укувчиларга мос бўлиши; ўқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, қўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш ва ҳар бир укувчига яққа тартибда ёндашишдан иборатдир.

Уқитувчи укувчиларга машина ва қуролларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва меҳнатни ташкил этишни чуқур ўргатиши, уларни қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш режалари, фан ва техниканинг ютуқлари, олимлар, муҳандис ва

ишчиларнинг хизматлари хақидаги маълумотлар билан ҳам таништириши лозим.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш принципи укувчиларнинг таълимий ишларини фаоллаштирувчи, аклий қобилиятларини устирувчи, уларни мустақил билим олишга ургатувчи усулларни танлаш ва техник атамалардан фойдаланишга одатлантиришдир.

Таълимнинг тарбиявий характери укувчиларга касбий билим бериш, уларнинг аклий усиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши учун шароит яратади.

Таълимни амалга оширишда уқитувчи укувчиларда уз касбларига мухаббат, онгли интизом, уз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай олиш қуникмаларини тарбиялаши лозим. Хар бир дарсни укувчилар билим ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларда дунёқараш ҳам шаклланадиган йусинда ташкил қилиши лозим.

Қурғазмалилик принципи урганилаётган ходиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида узлаштиришни қузда тутати.

Таълимнинг қурғазмалилик принципи укув материални аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди.

Таълим жараёнида қурғазмали воситалардан тугри фойдаланиш укувчилар техникага оид билимларни пухта узлаштириб олишига, уларда малака хосил бўлишига ёрдам беради.

Агар қурғазмали қурол бирор фикр учун қурсатиш воситаси бўлса, нутқ асосий, қурғазмали қурол эса ёрдамчи восита бўлади. Агар қурғазмали восита қузатишни ривожлантириш учун қуланса, нутқ қиска бўлиши, факат асосий воситага, яъни қузатишнинг мақсад ва вазибаларини амалга оширишга қаратилиши керак.

Мана шу талабаларни бақариш учун назарий дарсларда плакат, мультимедиа, кинофильм, диафильм, ёнилги ва мойлаш материаллари, мойлаш ва ёнилги билан таъминлаш усқуналари, стетоскоп ва бошқалар бўлиши керак. Таълимнинг укувчиларга мос бўлиши принципи уларнинг аклий, жисмоний ва ёш хусусиятларини хисобга олишни талаб қилади.

Онглилик ва фаоллик принципи таълимни укувчилар илмий билимларни онгли, иждодий узлаштирадиган йусинда ташкил этишни қузда тутати. Бунга эса укувчиларнинг дарс вақтидаги жуда фаоллиги билаи эришиш мумкин.

Бу принцип ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий малакаларни онгли узлаштиришда, ундаги иш харакатларини фарқлай билишда қуринса, амалий топшириқларни бақаришда мазқур принципнинг натижаси меҳнат усуллари тугри ва белгиланган вақтда бақарилишида, машинани бошқаришда педал ва ричақлардан тугри ва тез фойдаланишда, билим ва малакаларни янги объектларга тез ва аниқ, қучиришда намоён бўлади.

Малакаларни пухта узлаштириш принципи. Бу принципга қура уқитувчи амалий лаборатория машқулотларининг самарадорлигини назорат қилиб туради. Малакалар пухта узлаштирилишини таъминлаш мақсадида урганилган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материални мустахкамлаш тадбирлари қуланади.

Бу принцип ишлаб чиқариш таълими жараёнида қуйидагича амалга оширилади:

— кенг ихтисосли тракторчи-машинист касбини эгаллаш мақсадида меҳнат усулларини қуп марта такрорлаш;

— машиналар хайдашни ургатиш вақтида укувчиларнинг турли малакаларни мустақил эгаллашларига ақамият бериш;

— укувчиларда техник адабиёт ва маълумотномалардан фойдаланиш қуникмаларини хосил қилиш;

— малакаларни шакллантиришда оддий машқлардан мураккаб машқларга утиш ва дарсларни ишлаб чиқаришга яқин шароитда олиб бориш.

Хар бир укувчига яқка тартибда муносабатда бўлиш принципи укувчиларни хар томонлама урганишни, уларга уз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббусқорлиги ва

ижодий қобилияти намоён буладиган шароит яратишни талаб қилади.

Ҳар бир ўқувчининг ўзига ҳос томонларини ҳисобга олиш учун ўқитувчи ва уста дарс утилгунича уларнинг тавсифномаси билан танишиши ва ҳар бири билан суҳбат ўтказиши керак.

Назарий таълим дарсларининг ташкилий шакллари тугри танлаш катта аҳамиятга эга. Бунда дарсни ўтиш жойи ва тартиби, ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда дарсда уларни гуруҳларга ажратиш, дарс давомида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги алоқанинг моҳияти кўзда тутилади.

Назорат саволлари

1. Дидактик тамоил деганда нимани тушунаси?
2. Таълимни илмий асосда ташкил этишни тушунтиринг?
3. Малакаларни пухта ўзлаштириш принципи ишлаб чиқариш таълими жараёнида қандай амалга оширилади?